**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Илғор технологиялар маркази**
**Харид Комиссиясининг раиси**

**_______________**

**“___”________2022й**

**Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш бўйича**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ**

**Тошкент - 2022 й.**

**Ўзбекистон Республикаси Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази (ИТМ)га** Авто тураргохлар учун очиқ хавода (-30 совуқлик ва +80 даража хароратга чидамли, қуёш нури, ёмғир, қордан ҳимоя қиладиган инсон омилисиз 1 йил кафолатланган Hay-tek усулида замонавий шийпонлар ўрнатиш. **юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.**

**Хизмат номи:** Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш.

**Танлашни утказиш шакли:** Электрон шаклда.
**Шартноманинг бошлангич бахоси:** 110 000 000 (Бир юз ўн миллион) сум.

**Тайлов ҳужжатларини кабул қиладиган хамда танлов ўтказиладиган манзил:** https://etender.uzex.uz/

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:**
-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний хукукга эгалик;
-солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Хўжалик мудири – Туляганов Улуғбек, тел:90 996-36-24.**

**Таклифларни такдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:**
Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вактга кадар.

**Буюртмачииинг юридик манзили:** Тошкент шахдр, Олмазор тумани, Талабалар шахарчаси кўчаси 3А уй.

**Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:**
- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
-танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, суз ва ракамларни бояш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов хужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

**Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:**
- тижорат таклифи
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция куринишларига йўл қўймаслик буйича ариза.
-солиқдар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома;

-инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги туғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг руйхатга олинганлик гувохнома нусхаси (ташкилот рахбари томонидан мухр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

## 1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш хизматини кўрсатиш (кейинги ўринларда шийпонлар ўрнатиш) мажмуасидир.

1.2. Авто тураргохлар учун очиқ хавода (-30 совуқлик ва +80 даража хароратга чидамли, қуёш нури, ёмғир, қордан ҳимоя қиладиган инсон омилисиз 1 йил кафолатланган Hay-tek усулида замонавий шийпонлар ўрнатиш келтирилган.

1.3. “Пудратчи” Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Ўрнатиш ишлари “Пудратчи” томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда иловада кўрсатилган руйхатга мувофик амалга оширилади. Агар Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш вақтида “Пудратчи” техник холати хавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб қиладиган ускунани аниқласа, Пудратчи бундай ускунанинг хар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда “Нуксон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома алмаштириш учун асос булади.

1.3.2. “Нуксон далолатномаси”да кўрсатилган табиий эскириш туфайли яроқсиз ҳолга келган, асосий қисмлар ва жихозлар (Метал рама профил 60/60/2 усти қоплама, усти лексан билан қопланиши керак, таги швеллер 10 ли ва б.к.) томонлар келишувига хамда алохида шартномага асосан амалга оширилади.

## 2. Пудратчига қуйиладиган талаблар

2.1. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш хизматини кўрсатиш учун ташкилотнинг ушбу фаолият билан шуғулланганлиги ва юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш бўйича малака гурухида тегишли лавозимга эга булган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

2.3. “Пудратчи”, ташқи ишларни Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш, ўрнатиш ва кайта ўрнатиш)ларни амалга ошириш учун барча техникалар ўз хисобидан амалга ошириш.

2.4. “Пудратчи”, буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вактида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

2.5. “Пудратчи” хар қандай ишларни сифатсиз таъмирлаган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эхтиёт қисмларни ўз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.6. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш учун замонавий электр ўлчагич асбоблари ва диагностика ускуналаридан фойдаланадиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўрнатиш асбоблари ва асбоб-ускуналар “Пудратчи”нинг мулки бўлиши шарт.

2.7. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва уларни иш жараёнида тадбик қилиш.

2.8. “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларини тўлик риоя этишни таъминлаш.

2.9. “Пудратчи” ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билаи таъминлаш.

## 3. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ишлари

3.1. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ва кўрикдан ўтказиш;
3.2. Жихозларнинг ўрнатишда, мустаҳкамлини тебранишлар мавжудлигини текшириш ва таъмирлаш.
3.3. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш, стойкаларни бетон қоришма билан мускахкамлаш.
3.4. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатилгандан кейин текшириш.
3.5. Барча ўрнатилган жихозларни кайта кўриб чиқиш.
3.6. Ташқи ва ички қисмларни 1 ой давомида кўрикдан ўтказиш.
3.7. Эхтиёт қисмлар алмаштиришни талаб қилмайдиган хар қандай таъмирлаш ишлари.
3.8. "Буюртмачи"да мавжуд бўлган эхтиёт қисмларни алмаштириш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари.
3.9. Механик ва электр уланишларни текшириш ва таъмирлаш.
3.10. Ускуналар ва қурилмаларнинг электр параметрларини текшириш ва таъмирлаш.
3.11. Иш режимларини текшириш.
3.12.Пайвадлаш ишларини амалга ошириш (пайвандлаш учун зарур бўладиган сарфланувчи материаллар пудратчи ҳисобидан).
3.13.Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ўрнатиш ва қайта ўрнатиш.

3.14.Авто тураргохлар учун очиқ хавода (-30 совуқлик ва +80 даража ҳароратга чидамли, қуёш нури, ёмғир, қордан химоя қиладиган инсон омилисиз 1 йил кафолатланган Hay-tek усулида замонавий шийпонлар.

## 4. Иш жойи ва вакти

4.1. "Буюртмачи"нинг Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ўрнатиш, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шахарчаси 3 А уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази** биносида амалга оширилади.

4.2. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатишни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 30 август кунига қадар.

4.3. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш урнатиш "Буюртмачи"нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача. Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

4.4. Пудратчининг мутахассислари Буюртмачидан Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш вақтини келишиб олишлари шарт.

## 5. Бошқа шартлар

5.1 Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вактларида фаолиятини амалга ошириш учун "Пудратчи"нинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2 "Пудратчи" ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

5.2 Пудратчининг ишонч телефонлари руйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сунг берилишини таъминлаш хамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачииинг вакилларига етказилиши таъминлаш.

5.3 Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

5.4 Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ишлари "Пудратчи" томонидан эхтиёт кисмлар етказиб берилгандан сунг "Пудратчи" ва "Буюртмачи" ўртасида шийпонларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун тузилган шартномаси доирасида алмаштириш ва созлаш ишларини амалга оширади.

5.5 Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Агар ускунага техник ҳизмат кўрсатиш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида хеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган ҳизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.

***Илова***

Ўрнатиладиган шийпонлар сметаси:

| № | **Наименование** | **Технические параметры** | **Цена** |
|---|---|---|---|
| **1** | **Металлический навес на автостоянки** | | |
| 1.1 | длина | 25,0 м | |
| 1.2 | ширина | 6,0 м | |
| 1.3 | высота | 2.5 м | |
| **2** | **Основная конструкция навеса** | | |
| 2.1 | основная стойка | квадратная труба 60х60х2 | 45500000 |
| 2.2 | швеллер | швеллер №10 | 5 500 000 |
| 2.3 | соединение конструкций навеса | Электрод | 300 000 |
| 2.4 | покрытие | Метал краска | 3 500 000 |
| 2.5 | И.т.д | Диск,траңспартировка | 1 000 000 |
| 2.6 | Стяжку на помещения | 177 м.кв. | 18 000 000 |
| 2,7 | Крышу | Лексан (177 м.кв) | 36 200 000 |
| | **Общая стоимость конструкции** | | **110 000 000** |

Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

*Мазкур шартнома лойхаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кура қонунда белгиланган қоидаларга зид булмаган холда узгариши мумкин.*

**Шартнома № _______**

2022 йил Тошкент шахри

“ ___________ ” (келгусида “Бажарувчи”) ____ 2_________ асосида фаолият юритувчи директор ________________ _ бир тарафдан ва **Ўзбекистон Республикаси Инновацион Ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази** номидан директор ________________________ (келгусида “Буюртмачи”) Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. **ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ** 1.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” худудидаги Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш буйича тузилди.

**2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИН! ТАРТИБИ**

2.1. “Буюртмачи” худудидаги Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш буйича шартнома бахоси ККС билан _____ сумни ташкил этади.

2.2. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ун) иш куни давомида шартнома умумий бахосининг 30 % микдори олдиндан, колган 70 % кисми барча шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнг далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ун) иш куни давомида хисоб фактурага асосан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

**3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ**

3.1. Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатишни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 30 август кунига қадар. Барча кўрсатилган Авто тураргохлар учун шийпонлар ўрнатиш ишлари август ойи охирига қадар амалга оширилади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. “Бажарувчи” хизматни ўз вактида кўрсатмаган ҳолда “Буюртмачи'га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий бахосининг 0,5 % миқдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома бахосининг 50 %дан ошмаслиги керак.

4.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриягларни бузганлик учун ушбу шартнома бўйича "Буюртмачи" кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов микдорининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов пеня миқдори шартнома бахосининг 50% дан ошмаслиги керак.

**5. ФОРС-МАЖОР**

5.1. Томонлар хохиш иродасидан ташкари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор холатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу холатларни мавжудлигини ишончли исботи хисобланади.

5.2. Форс-мажор юзага келган холатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз деб топган томон, бошқа томонга бу ҳақда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар килиши керак.

**6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.**

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар оркали хал қилинади.

6.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик иктисодий судида ҳал қилинади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда булади.

7.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

7.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги ёки унинг худудий булинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача амал килади.

## 8.ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“БАЖАРУВЧИ”** **“БУЮРТМАЧИ”**

| | | |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**Харид комиссияси масъул котиби:**
**Хўжалик бўлими мудири** **У.А.Туляганов**

ИТМ директорининг 2022 йил 05 январдаги № 1 сонли Буйругига асосан:

**Комиссия раиси уринбосари:**
Директор ўринбосари Н.И.Фарзалиев

**Комиссия аъзолари:**

Бош мухандис М.А.Назиров

Бош хисобчи З.А.Рахматов

Лаборатория мудири О.С.Чаришникова


6 M
2.5 m.
1.80 m